




АДОЛАТ

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№42
(694)

2008 йил,
3 октябрь, жума

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ҚИШЛОҚДАГИ ИСЛОХОТЛАР САМАРАЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги кенг кўламли ўзгаришлар билан ақиндор танишиш мақсадида 2 октябрь куни Тошкент вилоятида бўлди.

Юқори Чирчиқ тумани фермер ҳўжаликларининг аксарияти галлачилик ва пахтачиликка ихтисослашган. Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифини ана шундай ҳўжаликлардан бири — Дониёр Расулов раҳбарлик қилаётган фермер ҳўжалиги фаолияти билан танишишдан бошлади. Ушбу фермер ҳўжалиги жорий йилда 27,6 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 52 центнердан галла олди. 27,5 гектар майдонда эса пахта қийғос очилган.

Ислам Каримов қишлоқ ҳўжалигида эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмасдан, ютуқ ва марраларни изчи янгилаб бориш, хусусан, ер унмдорлигини яхшилаш, ҳосилдорлигини ошириш, пировард натижада аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида муттаҳиз изланиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Туман ҳудудидан ўтайдиган дарёлар, каналлар ва сойлардан қишлоқ ҳўжалик экинларини сугоришда кенг фойдаланилган. Фермерларнинг минерал ўғит, ёнғил, банк кредитлари ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имкониятлари катта. Бу омиллар ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Президентимиз фермерлар, туман ва вилоятнинг мутасадди раҳбарлари билан мулоқот чоғида ҳосилдорлигини янада оширишнинг муҳим омиллари, илм билан амалиётнинг ҳамкорлиги ҳақида тўхталди.

— Аввало, қишлоқ ҳўжалиги экинларини алмашлаб экиш амалиётига эътиборни тўдан ўзгартириш зарур, — деди Ислам Каримов. — Бунда мутахассислар, агрономлар, олимлар фермерларга яқин маслаҳатчи, керак бўлса, ёрдамчи бўлишлари лозим.

Айниқса, вилоят ҳудудида жойлашган пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари мўйян майдонга қандай экинларни қай тартибда алмашлаб экиш мақсада мувофиқ экани, қайси экинлар ерни қувватсизлантириши-ю, қайсилари тупроқ унмдорлигини ошириши ҳақида деҳқонларимизга аниқ илмий-амалий тавсиялар беришлари даркор.

Туманда икки хил — «Наманган-77» ва «С-65-24» гўза навлари экиб келинмоқда. Мамлакатимиз раҳбари вилоят, туман тупроқ-иклим шароитига мос янги гўза навларини яратиш ва ўзлаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди. Бунда олимлар, агрономлар, соҳа мутасаддиларининг фермерлар билан ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги катта аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

— Энг муҳими ва асосийси ерни эъзозлаш, унга меҳр бериш керак, — деди Президентимиз. — Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқадди, дейди халқимиз. Юртбошимизнинг бундай сафарлар чоғида оддий одамлар билан учрашиши, дилдан суҳбат қуриши яхши аънаанага айланган. Бундай учрашувлар мавжуд муаммоларни жойида муҳокама қилиш, уларни ҳал этиш юзасидан мутасаддиларга зарур тавсия ва топшириқлар бериш имкониятини яратиши билан янада аҳамиятлидир.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Ислам Каримов фермерларнинг қишлоқ ҳўжалигидан қандай фойда кўраётгани, юртимиздаги янгилашлар қишлоқ аҳли ҳаёти ва тафаккурида қандай акс этаятгани билан қизиқди.

«Усмонобод» маҳалласи раисаси Шарифа Салимованинг айтишича, юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва

бунёдкорлик муҳити, амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар самаралари қишлоқимизнинг ҳаёт тарзи юксалиши мисолида аққол намоён бўлмоқда. Бугунги кунда ушбу маҳалла ҳудудида яшайдиган аҳолининг қарийб 70 фоизи шахсий автомобилга эга. Утган асрнинг 80-йилларида қурилган мактаб биносининг капитал реконструкция қилинган ўқувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарнинг қувончига қувонч қўшган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби ушбу маҳаллада ҳам аҳоли фаровонлиги юксалиб бормоқда. Эҳтижманд оилаларга бепул чорва моллари бериш ва уларни харид қилиш учун эса банк кредитлари ажратиш амалиёти бунда яна бир самарали иш бўлди. Кейинги вақтда маҳалланинг 12 оиласи соғин сигирли бўлди. Соғин сигир — қут-баракат манбаи. Ойлага инъом этилган чорва моли нафақат рўзгор тебратиш воситаси, айтиш чоғида яхшигина даромад топиш учун ҳам имконият, демаскидир.

Президентимиз оилаларга чорва моллари тарқатилиши қишлоқ аҳли учун катта қўмақ бўлаётганини қайд этаркан, келгусида бу борадаги ишларни янада кенгайтириш зарурлигига эътиборни қаратди. Зеро, ушбу тадбирдан қўланган асосий мақсад ҳар бир оилادا соғин сигир бўлишини, демаски, ҳар бир боланинг табиий сут маҳсулотлари истеъмол қилиши ва шу тарика соғлом вояга етишини таъминлашдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

2008 йил — ЁШЛАР ЙИЛИ



ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОХ

Мамлакатимизда оиланинг жамиятдаги маънавий ва мақомини янада юксалтириш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Тошкент шаҳри ҳокими, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ва Республика «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлими томонидан пойтахт вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Чорвоқ» оролмоҳида ташкил этилган «Ойла — муқаддас даргоҳ» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир ана шу юксак эътиборнинг яна бир нишонаси бўлди.

Тадбир иштирокчилари — ёш келин-қуввлар, ҳуқуқшунос, психолог олимлар, маҳалла, хотин-қизлар кў-

миталари фаоллари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар дастлаб

Мустақиллик майдонида ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоялаш масаласига давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги эзгу ишларда ўзи-

нинг ёрқин ифодасини топмоқда.

Тадбирда ёшларни оила қуришга тайёрлаш, уларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги ҳуқуқий билимларини янада ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга йўналтирилган семинар-машғулотлар, давра суҳбатлари, викториналар ташкил этилди.

Носир ХАЙДАРОВ, «Адолат» мухбири.

Пленум

ФАОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК

Пойтахтимизда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг Х Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Сийёсий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий аппарат, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри партия Кенгашлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Пленумни партия Сийёсий Кенгаши аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Абдулла Абдуназаров очди. Анжуман кун тартибидagi биринчи масала — Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳозирги кундаги долзарб вазифалари бўйича партия Сийёсий Кенгаши раисининг ўринбосари Худойёр Маматовнинг маърузаси тингланди. У ўз сўзида мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш ҳамда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида муҳим ислохотлар олиб борилаётганини таъкидлади.

2-бетда ўқинг



СОҒЛОМ РАҚОБАТ МАЙДОНИДА

ишга ёндашувни янгилаш,
мақсад сари интилиш муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимизда сўнгги йилларда сийёсий партияларнинг демократик ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва таъсири орттириб бормоқда. Қонунчилик палатасида сийёсий партиялар фракцияларининг фаолияти тобора жонланмоқда, қонуни ислохоткорлиги борасида фракцияларaro соғлом кураш кўчаймоқда. Бу ҳолат сийёсий партиялар нуфузи ҳамда қабул қилинаётган қонуни ҳужжатлари сифатининг ошишига ижобий таъсир кўрсатаётган.

Муҳтарам Президентимиз томонидан жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинган муносабати билан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши ишлаб чиққан махсус режа асосида республика миқёсида тадбирлар ўтказилди ва бу ишларимиз давом этмоқда. Бугунги кунда ёшлар ҳаётидаги муаммоларни ҳал этишга, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш учун зарур

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарларидан табриклар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳи!

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан самимий тилак ва эзгу истакларимни йўллашдан қоят мамнунман.

Аллоҳ таборака ва таолодан ушбу муборак айём баракотидан Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва раванг, бутун ислом умматига эса фаровонлик ва қут-баракат ато этишини сўраб қолам.

Самимий эҳтиром ила, Биродарингиз,

Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД,
Икки муқаддас масжид ходими,
Саудия Арабистони Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан Сиз, Жаноби Олийла-

рига муборак Рамазон ҳайити муносабати билан самимий тилак ва эзгу истакларимни йўллашдан мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилаб қолам.

Қамоли эҳтиром ила,
Абдуллоҳ II бин Ал-ҲУСАЙН,
Иордания Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини бутун дунё мусулмонларининг муқаддас байрами — Рамазон ҳайити билан табриклаш менга чексиз мамнуният бахш этади.

Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янада мустаҳкамлашига умид қилган ҳолда Яратгандан Сизга сийҳат-саломатлик, халқингизга раванг ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Эмомалӣ РАҲМОН,
Тошкент Республикаси Президенти

Дил изҳори

ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган маънавиятимизни чуқур ағлаб-ётиш ҳамда уларни ўлғайиб келаятган авлодлар оғига сингдириш орқали мамлакатимиз қудратини янада юксалтириш имконига эга бўлди. Бундай улғу вазифаларни амалга оширишда ўқувчи ва мураббийларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

— Ҳеч шубҳасиз, — дейди Президентимиз бизга йўллаган табригиди, — биз барчамиз, ёшларимиз ва касбу қоримиздан қатъи назар, қилбимизда унутилмас из қолдирган қадрдон мактабимиз ва

унинг бағрида кечган бегубор йилларимизни, бизга билим берган, инсонийлик фазилатларини ўргатган меҳрибон ўқувчи ва мураббийларимизни умр бўйи катта ҳурмат ва эҳтиром билан эслаймиз. Айни шундай устозларга нисбатан миннатдорлик ва қарздорлик туйғуси азал-азалдан халқимиз эъзозлаб яшаётган энг буюқ қадриятлардан бири бўлиб келмоқда.

Бугун таълим-тарбия соҳасига давлат миқёсида катта эътибор қаратишмоқда. Айниқса, умумтаълим мактабларида хизмат қилаётган ўқувчиларнинг ўртача иш ҳақи кейин-

ги икки йил мобайнида 2,8 баробар оширилганлиги ғам-ғурлиқнинг узлуksиз давоми эканлигини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, шу йилнинг ўзида олий ўқув юрталари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи қўшиқча равишда 1,5 баробар оширилганлиги бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Бу йил менга ҳар қачонгидан катта қувонч келтирди. Ўқувчилик соҳасида қилинган қамтарона меҳнатим юксак баҳоланди. Президентимизнинг «Ўқувчилар ва мураббийлар кўни» муносабати билан эълон қилинган фармонига қўра, менга ҳам «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони берилди. Бундай шараф нафақат мени, балки бутун жамоамизни ҳам янада руҳлантирди.

Сайёра ВОҲИДОВА,
Шеробод туманидаги
56-мактаб директори.

«ОБУНА — 2009»:

«Адолат» доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

Нашр индекси — 100.

ҚИШЛОҚДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

(Давом. Бошланғич 1-бета)

Маълумки, жойларда ел сотадиган шохобчалар, махсус дўконлар ташкил этилган. Бу қишлоқ аҳолиси учун қулайликлар яратилиши амалий бир кўринишдир. Хозирги кунда Юқори Чирчиқ тумани ҳудудидан ўн битта ана шундай дўкон ишлаб турибди. Мамлакатимиз раҳбари бундай шохобчаларда кунжара, шелуха, шрот каби чорва ем-лашининг эркин ва узлуксиз савдосини йўлга қўйиш юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Президентимиз ўрта Чирчиқ туманидаги "Аширмат Каримов" фермер хўжалиги далаларида деҳқонлар билан суҳбатлашди.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини замон талаблари даражасида барпо этиш, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадларини янада кўпайтириш имконини бермоқда. Бундан 831 фермер хўжалиги фаолият юритаётган ўрта Чирчиқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Фермерлик ҳаракати инсон манфаатларига хизмат қилмоқда, — деди Ўртабошимиз. — Фермер — универсал деҳқон. Ернинг аҳоли, қилинган меҳнат, етиштирилган ҳосил фермер ишига баҳо беришда асосий кўрсаткичлардан саналади. Биз қишлоқ хўжалигида эришяётган ютуқларимиз асосини мана шу омилардан излашимиз керак.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган "Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ва шу асосда ҳосилдорлигини ошириш, шунингдек, мелiorация ишларини таш-

кил қилиш ва молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш борасидаги вазифалар белгиланган берилган.

— Ҳақиқатан, ерларимизнинг мелiorатив ҳолати талаб даражасида эмасди, — дейди "Мадониз" фермер хўжалиги раҳбари Шўҳрат Аҳмедов. — Бу борадаги муаммолар изчил хал этилмоқда. Шу пайтга қадар туманимиз бўйича 100 километрик зовулар тозаланди. Фермерларимиз ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишларнинг самарасини ўз фаолиятлари мисолида яққол кўрмоқда.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги ва саноати ривожланган ҳудуд сифатида мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин тутганини таъкидлади.

Ўртабошимиз Пскент туманидаги "Махмуд Қосимов" фермер хўжалигига ташиф буюрди. Ушбу хўжалик жорий йилда 52 гектарга галла экиб, 62 центнердан ҳосил олди. Хўжалик раҳбари Мирвосит Мирмахмудовнинг айтишича, пахта тайёрлаш ҳам мўлжалдагина ошириб бажарилади.

Хўжаликда 2007 йили 28 киши меҳнат қилар эди. Жорий йилда полиз экинлари, боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачилик фаолиятини кенгайтириш ҳисобига бу кўрсаткич қарийб икки хисса ошди. Хўжалик битта мактаб-интернат ва болалар боғчасини оталиққа олиб, таъмирлаш ишлари, турли тадбирларни ўтказишда уларга ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Президент Ислам Каримов мазкур хўжалик дала шийонида вилоят фермерлари ва фаоллари билан учрашди.

Бугун мамлакатимизни равақ топтиришда фермерлик ҳаракатининг ўрни ва аҳамияти тобора юксалмоқда, — деди Ислам Каримов. — Фермерлар нафақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балки қишлоқларимизни ободонлаштириш, қишлоққа саноатни, замонавий техника ва шу асосда ҳосилдорлигини ошириш, шунингдек, мелiorация ишларини таш-

Фермер хусусий мулкдор сифатида меҳнатни замонавий асосда ташкил қилади, манфаатдорлиги туфайли иш унумдорлигини муттасил ошириб боради. Шунингдек, фермерларимиз хайрли ишларга бош қўшмоқдалар.

Илгари биз фақат пахта етиштириб, бошқа маҳсулотларни четдан келтирар эдик. Истиқлол йилларида пахта майдонлари қисқариб, бошқа экинлар учун ажратилган майдон тобора кенгаймоқда.

Бундай ўзгаришларни Пскент тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган бир йилда туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхона, Хитой ва Эрон ишбилармонлари билан ҳамкорликда иккита қўшма корхона, янги коллеж ва янги мактаб барпо этилди. Жорий йилда туманда 20 минг тоннадан зиёд галла етиштирилди. Туман пахтакорлари 30 минг тонна пахта тайёрлаш ниятида.

Мамлакатимиз раҳбари фермерлигини ривожлантириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш масалаларига тўхтади.

Учрашувда Оққўрғон туманидаги "Азизбек Умр" фермер хўжалиги раҳбари Р.Умиров, Бўка туманидаги "Мўминобод" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Н.Шоматова, Пскент туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори М.Қурбонова, Қўйраб туманидаги "Байтўғрон" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Д.Салимова, Зангиота туманидаги "Иттифок мева-сабзавотлари" агрофирмаси раҳбари Ҳ.Йўлчиев ва бошқалар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидладилар. Бу халқимиз, айниқса қишлоқ аҳолисини турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳулом МИРЗО,
Воҳид ЛУҚМОН,
Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

(Давом. Бошланғич 1-бета)

Айниқса, сиёсий партияларга кенг қўламда фаолият юритишлари учун ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатдан қулай шарт-шароитлар яратиб берилдики, бу мамлакатимизда сиёсий партияларнинг шаклланиши, аҳолининг барча қатмалари орасига ўз ғоя ва қарашлари билан кириб боришлари мустаҳкам замин тайёрлади.

— Айниқса, кўппартиявийлик тизимига асосланган, жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган сайлов тизими яратилгани сиёсий партиялар фаолиятини янада жонлантирганини алоҳида таъкидлаш лозим, — деди маърузачи.

— Жорий йил 1 январдан кучга кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун жамиятимиз ҳаётининг барча жаҳалларини либераллаштириш ва демократик ислохотларни янада жаллаллаштиришнинг ишончли исботи бўлди. Зеро, бу ислохотлар "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг амалий ифодасидир.

Иштирокчилар томонидан партиянинг жорий йилнинг ўтган тўққиз ойидаги фаолияти натижа-



ФАОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК

аҳолининг барча қатмалари орасига партиянинг ўз ғоя ва қарашлари билан кириб боришига мустаҳкам замин яратди

лари таҳлил этилиб, галдаги долзарб вазифалар белгиланган олинди. Таъкидланганидек, "Адолат" СДПнинг вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, электрорат билан алоқаларни мустаҳкамлаш энг муҳим масала бўлиб қолаётди.

Пленумда партиянинг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, партия сафига ижтимоий адолат ва демократия тамойиллари, ғояларини қўллаб-қувватловчи аъзоларни жалб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, 2009 йил юртимизда ўтказиладиган муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик ҳақида алоҳида сўз юритилди. Маълумки, келаси йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Мазкур сиёсий жараёнда партиянинг муносиб иштироки муҳим аҳамият касб этади. Таъкидландики, ҳозирданқ бу сиёсий жараёнга қизғин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Пленум ишида ташкилий



масала кўриб чиқилди.

Маълумки, партия Сиёсий Кенгаши раиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери этиб сайланганлиги муносабати билан мазкур вазифа бўш турган эди. Шу боис Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси лавозимига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, партия фракцияси аъзоси Исмоил Саифназаров номзоди тавсия этилди ва бир овоздан маъқулланди.

Анжуманда партия Сиёсий Кенгаши аъзоси Қодир Жўраев, Тафтиш комиссияси раиси Юсупжон Нишонов, Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси Абдуқадир Аҳмедовлар пленум ишида кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, пленумда "Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ва Ижроия Қўмитаси ҳамда ҳудудий Кенгашлари ташкилий масалаларини хал эйтиш асосидан ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида"ги масала ҳам кўрилди.

Пленум якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

СЎЗ — ПЛЕНУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Эшмамат ҚУРБОНОВ, Самарқанд вилояти партия Кенгаши раиси ўринбосари:

— Аҳолининг муайян қисмини ўз атрофига бирлаштирган сиёсий партияларнинг мамлакатимизда эркин фаолият юритаётгани, уларнинг жамиятдаги роли ва ўрни тобора кучайиб, макъеи мустаҳкамланиб бораётгани Ўзбекистонда демократик кадриятлар янада барқарорлашаётганидан далолат беради. Социал-демократик ғояларига таяниб, собитқадамлик билан фаолият юритаётган партиямиз аҳоли орасига кенгрок кириб бораётгани қувонарли ҳол. Ўйлайманки, мазкур пленумдаги ўзгаришлар тез орада ўз самарасини беради.

Ҳолида Мухаммадова, "Файз" холдинг компанияси бошланғич партия ташкилотли раҳбари:

— Пленумда "Адолат" СДПнинг ўтган йиллар мобайнида эришган ютуқлари эътироф этилди, қамчиликлар рўй-роҳ айтиб ўтилди. Бундан ҳар бир партия аъзоси тегишли ҳулосалар чиқариб, уларни тақрирлаш асосига интилишлари лозим. Бунинг учун, аввало, бошланғич партия ташкилотларининг жонқуярлик билан ишлашларига тўғри келади.

Суюн СИЛМОВ, Жиззах вилояти партия Кенгаши раиси ўринбосари:

— Албатта, партиянинг халқ орасида обрў-эътибор қозониши унинг ўз ғоя ва мақсадларига оммани қай даражада ишонтира олишига боғлиқ. Бу эса партия фаолиятини ҳолсона баҳолаш учун ўзига ҳос мезон ҳам ҳисобланади. Пленум ишида партиянинг ўтган тўққиз ойлик фаолиятига танқидий кўз билан қаралгани эса келгусида самарали иш олиб боришимизни таъминлайди, деб ўйлайман.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: пленум ишидан лавҳалар.

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

(Давом. Бошланғич 1-бета)

51 мингдан зиёд ёшлар, партия фаоллари иштирок этган бу тадбирлар ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, сиёсий билимларни ўзлаштириш, маънавий қомилликни инти-лиш, замон билан ҳамнафас яшаш, ўзлигини англаш, Ватан равақига ҳамда тараққиёти йўлидаги фидойиликни юксалтиришдек долзарб мавзуларда олиб борилади.

Сиёсий партияларга яратилган кенг ҳуқуқий имкониятлар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган партиялар орасида жиддий рақобат муҳитини юзага келтирди. Бундай жараёнда фақат кўпсонли электроратини шакллантирган, хайрли ишлари билан халқ орасида обрў-эътибор қозонган, ўз сафларида кўп минг сонли фаол аъзоларни жалблаган партиялар ҳамда маънавий ва сиёсий жиҳатдан етук етакчилар заҳирасига эга бўлган сиёсий партиягина галабага эришиши мумкин. Хозир бизнинг партия шу талабларга қай даражада жавоб беради?

Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати томонидан ҳудудий партия ташкилотларимиз фаолияти юзасидан ўтказилган мониторинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда бизнинг партия бу талабларга тўла жавоб бера олмайди. Мисол учун, ҳар бир вилоят партия Кенгаши раҳбаридан ўз ҳудудидagi партия ташкилотлари томонидан юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳиятини, юртимизнинг бой тарихий, маънавий-маърифий қадриятларини, партиянинг мафқураси, мақсад ва вазифаларини халқ ичида тарғиб-ташвиқ қилиш борасидаги ишлар ҳақида тегишли ахборотларни Марказий аппаратга юбориш сўралган. Ушбу тадбирлардан қўзғалган асосий мақсад юқорида санаб ўтилган вазифаларни бажариш билан бирга, халқимизни, ёшларимизни "Адолат" СДП Дастури, мақсад ва вазифалари билан яқиндан таништириш, партия мафқураси, ғояси ва асосий тамойилларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборат. Афсуски, бу борада барча вилоят партия Кенгашлари раҳбарлари ҳам маъсулиятини тўлағичча ҳис эта-яптилар, деб бўлмайди. Улар қаторига Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Фарғона, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари партия Кенгашлари раҳбарларини киритиш мумкин. Қолаверса, бу вилоятларда жорий йилнинг 9 ойи давомида жуда ҳам тадбир ўтказилган. Масалан, Сирдарё вилоятида 36 та, Навоий вилоятида эса атиги 29 та тадбир ташкил қилинган, ҳоланки ҳар бир туман ва шаҳар партия Кенгаши бир ҳафтада битта тадбир тадбири-ни ўтказса, шунда биз республика бўйича 200 га яқин тадбир ташкил этган бўламыз ва бу тадбирларга ўртача

50 кишидан жалб эта олсак, ҳар ҳафта 10 минг фуқаро Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳақида маълумот олади, унинг мақсад ва вазифалари билан танишади, лозим топса партияга аъзо бўлиб қиради. Лекин умуман тадбир ўтказмаган туман ва шаҳар партия Кенгашлари ҳам мавжуд.

Партия ҳудудий Кенгашлари томонидан 2008 йилнинг 9 ойи давомида 2 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилган бўлиб, уларда 200 мингдан зиёд партия фаоллари, хайрихоҳлари қатнашди. Агар мамлакат бўйича электрорат ёшига етган фуқаролар сони 16 миллион киши бўлса, 9 ой давомида уларнинг 1,2 фоизи қамраб олинган.

Партиявий-ташкилий фаолиятни кучайтиришда, партия хайрихоҳлари сафини кенгайтиришда, аъзолардан партия бадалларини йиғишда, режаларга тадбирлар тизимини амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган ҳамда бу борада суҳбатчиликка йўл қўётган ҳудудий партия Кенгашларининг 2008 йил 9 ойлик кўрсаткичлари қуйидагича:

Шунингдек, ҳудудларда ўтказилган тадбирларнинг аксарият қисми республика миқёсидаги оммавий ахборот воситалари томонидан етарли даражада ёритилмади.

Монидан ҳар бир вилоят партия Кенгашига, ташкилотлардаги аъзолар сонига қараб, бадал йиғиш бўйича белгиланган режа бажарилмапти. Шунингдек, партиявий-ташкилий фаолиятнинг ижро интизоми мезонига доир кўрсаткичларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки, Марказий аппарат томонидан ҳудудий партия Кенгашларига юборилган хатлар айрим ҳудудий ташкилотлар томонидан жавобсиз қолдирилмоқда.

2009 йил декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари депутатлигига сайловлар бўлиб ўтади. Мазкур сайловларда партияимизнинг муносиб иштироки, имкон қадар кўплаб депутатлик ўринларини эгаллаштириш, қолаверса, юртимизда фаолият юритаётган бошқа сиёсий партияларга қучли рақобатчи сиёсий институт эканлигини намойиш қилиши нуфузининг янада юксалишига олиб келади. Партияимиз сафларидан муносиб, теран салоҳиятли, етакчи кадрларни саралаш, уларнинг номзодларини сайловларда илгари суриш мақсадида олдиндан ҳудудлар бўйича номзодлар рўйхатини тузиш режалаштирилди. Бу борада ҳудудий партия Кенгашларидан даставвал жорий йилнинг 1 апрель, 1 май ва нихоят 1 сентябрь санасига қадар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари депутатлигига номзодлар заҳираси рўйхатини ҳамда маълумотномаларини Марказий аппаратга юборишлари сўралган эди. Мазкур сўраимиз Хоразм,

бўларди. Бу кўрсаткичда Самарқанд ва Андижон вилоятлари ҳам фаол. Қолган вилоятларда партия аъзолари сонининг ўсиши ўртача 2-3 минг кишини ташкил этапти.

Шу билан бирга, Марказий аппарат томонидан партия аъзоларини рўйхатлаш ишлари бошланган. Афсуски, барча партия ташкилотларимиз ушбу вазифани ундай олишмапти. Бу топшириқни фақат Андижон, Фарғона, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари тўлиқ бажарди, ҳоланки.

Фаолиятимизда кўзга ташланаётган қамчиликлардан яна бири аъзолик бадалларини йиғиш бўлиб қолмоқда. Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати то-

Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри партия Кенгашлари томонидан нисбатан тўлиқ бажарилиди. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Наманган, Самарқанд, Тошкент вилоятлари партия Кенгашлари ҳануз бу масалага лоял ҳал қарашмоқда. Ҳудудий партия Кенгашлари етакчилари бу масалаларга жиддий ёндашишлари, нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари депутатлигига, балки ҳудудий партия Кенгашларига ҳам муносиб номзодлар заҳирасини шакллантиришга эътибор қаратишлари зурур.

Иккинчидан, "Адолат" СДП Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятини такомиллаштириш, депутатлик фаолиятининг янги услуб ва шакллариин излаш лозим.

Маълумки, 2004 йил декабрь ойида бўлиб ўтган парламент сайловларида партияимиз ўн нафар депутат ўрнига эга бўлди. Ҳозирда "Адолат" СДП вакиллари парламент қўйи палатасининг барча қўмиталарида фаолият юритмоқда. Бу, ўз навбатида, қонун ҳужжатларини, муҳим давлат қарорларини қабул қилишда фаол иштирок этиш имконини берибди. Галдаги мақсад эса лддимизда турган навбатдаги сайловлар жараёнида фаол қатнашиб, мамлакат қонун чиқарувчи органи қўйи палатасида қандам 20 та депутатлик ўрнига эга бўлиш ва шу орқали партияимиз ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларини рўйбга чиқаришга ҳамда электроратимиз мақсадларини ифода этишга йўналтирилган қонун ва қарорлар қабул қилинишига таъсир этишдан иборат.

Албатта, бу иш осон кечмайди. Чунки рақобатчи сиёсий партиялар бугунги кунда сон жиҳатдан ҳам, таъбир жоиз бўлса, амалга ошираётган ишлари қўлами жиҳатидан ҳам бизга нисбатан анча юқори. Аммо шунга қарамай биз йўл қўйган қамчиликларимизни аниқ таҳлил қилиб, ўз вақтида тўғри ҳулоса чиқариб олсак, қамчиликларни бартараф этишга бугунданқ астойдил киришсак, ўйлайманки, олдимизга қўётган мақсадларга эришиш имкониятига эга бўламиз.

Учинчидан, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг янги нормаларига мос ҳолда минтақавий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни хал эйтишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ролини кучайтириш керак. Ушбу мақсад йўлида биз, даставвал, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари Кенгаши ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий органлари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари, жойлардаги бошқа демократик институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашимиз зарур.

Бундан ташқари, баъзи бир жиддий ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қўшма ишчи гуруҳлар тузилиши ва бу гуруҳлар ҳокимият органларининг барча тармоқларида фаол иштирок этишини истиқболдаги режаларимизга киритганимиз. Айни дамда жойлардаги айрим партия гуруҳлари "Адолат" СДП вилоят, шаҳар, туман партия ташкилотлари билан қўшма алоқада ишлашмоқда. Афсуски, бундай ҳамкорлик барча туман ва шаҳар Кенгашларига бирдек ҳос, деб айта олмаймиз. Шу боис ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари ўз эътиборларини партия депутатлик гуруҳларининг вилоят, шаҳар, туман партия ташкилотлари билан алоқасини янада жонлантириш масаласига қаратишлари лозим.

Тўртинчидан, яхши маълумки, қучли партиянинг мафқураси ҳам қучли бўлиши керак. Қучли, ўзига тортувчи, ҳаётни янгилашга чорловчи мафқура аҳоли орасида партия ғоялари тарғиб-ташвиқ таъсирчанлигини оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Партия электрорати хоҳиш-иродасига мос тушадиган таянч мафқура модели — социал-демократиянинг ўзбек моделини яратиш талаб этилмоқда. Бу мафқуравий модель халқимиз маънавий, қадриятлари, тарихи, менталитети, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, ҳалқаро социал-демократик ҳаракатнинг асосий тамойилларини ўзида мўҳкамлаштириши лозим.

Бешинчидан, партия электрорати сонини кескин ошириш учун сиёсий технологияларнинг замонавий усул ва усулларидан фойдаланган ҳолда партиянинг нуфузини янада ошириш лозим.

Олтинчидан, барча поғонадаги вакиллик органларига бўладиган сайловларда партия муваффақиятини таъминлаш мақсадида энг замонавий сиёсий технологиялар асосида партиянинг сайловли кампаниясидаги фаолият стратегиясини ишлаб чиқишимиз керак.

Мамлакатимиз сиёсат майдонида салмоқли сиёсий қуча айланиш мақсадида фаолиятимизда кескин борилиш ясамимиз даркор. Бу биздан қисқа муддат ичида юртимиз қонунчилик тизимида яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, партия Фаолият Дастурида белгиланган барча мақсадларни тўла-тўқис рўйбга чиқариш учун ушбу вазифаларнинг тез сўратларда амалга оширилишини талаб этмоқда. Бу эса, сиз-у бизнинг иродаимиз ва шижоатли меҳнатимизга боғлиқ.

Худой МАМАТОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий
Кенгаши раисининг ўринбосари,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

СОҒЛОМ РАҚОБАТ МАЙДОНИДА

ишга ёндашувни янгилаш, мақсад сари интилиш муҳим аҳамиятга эга

КЎНГА ОЎНГА

МАНОВАЙ-МАЪРИФ, АМ ОЛШ САХИФС



Ёшлар илҳами

ОНАМДИР ВАТАН!

Бу Ватан меники, бу эл меники,
У менинг юрагим кўргони эрур.
Шу халқ меникидир, шу дил меники,
Улар кўларимнинг қароғи эрур.

Онам деб яшайман, онамдир Ватан,
Уни мен ардоқлаб, кучиб тўймайман.
Юртимнинг тинчлиги менга экан тап,
Мен мунис онамни ёлғиз қўймайман.

Хов ана гуллаган бодомзорларда,
Кўрдим Ватанимнинг гўзал юзини.
Чидолмам, қолса гар у озорларда,
Жон бериб оқлайман берган тузини.

Хурликнинг кўзман, ўзбекнинг қизи,
Урнадир Тумарис момонининг ўзи.
Жондан мўтабардир боболар изи,
Улар Юртбошимнинг айтган ҳар сўзи.

Унинг келажаси менга дахлдор,
Эртага бугундан гўзал бўлади.
Хар бир ёш юртим деб
бўларкан ҳамкор,
Келажак бизни деб бахтга тўлади.

Биз элнинг ишончи, гурӯрга тўлиб
Шу юртни ҳар доим асраб яшаймиз.
Жасур аждодларга муносиб бўлиб,
Юксакларни кўлаб қадам ташлаймиз.
Мафтуна ҚУРБОННАЗАРОВА.

ЎЗБЕКОНА ҲАЁ

уни асраб-авайлаб,
бойитмоғимиз ва келгуси
авлодга етказмоғимиз керак

Эрталаб ишга кетаётиб, бекатда автоулов кутиб, анча туриб қолдим. Йўловчилар орасида 18-19 ёшлардаги йигит-қиз ҳам бор. Йигитнинг қулоғида "наушник", қиз эса унинг қўлларидан маҳкам тутиб олган, тинмай йигитга сўйқалиб эркаланарди.

Уларга яқинлашиб: "Кимиз, одамларнинг олдида одоб сақласангиз яхши бўларди. Қаранг, мактаб ўқувчилари ҳам бор экан, уят-а..." деб танбех бердим. Қиз эса баланд овозда депсинганча: "Мен билан нима ишингиз бор? Сиз ўз болаларингизга хўжайинчилик қилинг", деганча лабини чўчайтириб "йигити"ни нарироққа олиб кетди...

Хозир глобализм даврида яшаймиз. Шу боис, албатта, тараққиётдан орда қолмаслигимиз керак. Аммо бу ўзимизга хос миллий қадриятлар, урф-одат ва аъна-

наларимизни, аждодларимизнинг фахрланасангиз қадр-ламаслик, оёқ ости қилиш дегани эмасми?

Афсуски, шол қурмасиз бўлмаганидек, бугун орамингда европача маданиятга тақлид қилиб, миллийлигимиздан узоқлашаётган, катталарни ҳурмат, кичикларни эса иззат қилмайдиган ёшлар учраётгани ачинарли ҳол. Пойтахтимизда нима кўп, бир-биридан гўзал сайил-гоҳлар, истироҳат боғлари кўп. Баъзан бироз ҳордиқ чиқариш мақсадида ана шу сайилгоҳларга чиқсангиз, хилват жойларда ёшларнинг бир-бирига сўйқалишиб турганига кўзингиз тушади. Кўпинча бу ҳолни катта ёшдаги кишилар кўриб кўрмасликка олишса, баловатга етмаган болалар, айнаса, мактаб ўқувчилари катта қизиқиш билан кузатиша-

ди. Негаки, мактаб ёшидаги болалар тақлидчи бўлишади. Улар кўрган воқеа-ҳодисалардан ибрат олишади, хулоса чиқаришади.

Бешинчи синфда ўқийдиган ўғлим бор. Унинг айтишича, яқинда бир ўртоғи синфдош қизни ўпиб олибди. Қиз эса йиғлаб бунни ота-онасига айтибди. Бу ҳолат мактабда ота-оналар мажли-

Мулоҳаза

сида муҳокама қилинибди. Энди ўйлаб кўринг: ҳали она сўти оғзидан кетмаган бола яна бошқа бачкана қилиқлар ҳам чиқариши мумкин эмасми?

Яна бир мисол. Бирга ишлайдиган ҳамкасбим ишга кечикиб келди. Сабабини сўрасам, келеслик мактаб

ёшидаги ака-ука, ота-онаси ишга кетган пайтда "Жанг-бобо ўйнаймиз" дея ошпи-чок билан қўлчиқчилик қилишди. Оқибатда ўйин фожеали якун топган. Ҳамкасбим ўша хонадонга таниш-лиги туфайли қўнғил сўрагани борган экан.

Доноларимиз бекорга: "Боланинг ўзи азиз, одоби ундан азиз" дейишмаган. Дарҳақиқат, ота-оналар фарзандлари учун барча шарт-шароит, имкониятларни яратиб бериб, бор меҳрини, куч-қувватини бағишласалар-да, баъзан уларнинг тарбияси, юриш-туришини вақтида назорат қилишни унутиб қўядилар.

Бир талабани билардим. Унинг ота-онаси топиш-тутушли бўлса-да, ўз билими билан олий ўқув юртига ўқишга кирди. Ёзи таътилда ошхонада ишлади. Институтда яхши ўқиб, дарс-

ларни қолдирмади, отасининг пулларига суянмади. Аммо ота-онаси олиб берган машиналарда ўқишга келиб, кунни бўйи қизлар билан "вип"да гаплашиб чарчамайдиган, ўқиш, изланиш ва ўз фарзандлик бурчини оқлаш ўрнига вақтини ўтқинчи ҳис-туйғуларга "бағишлайдиган" ёшлар ҳам борки, бу ҳолга, аввало, биз — ота-оналар беварқ бўлмаслигимиз зарур.

Халқимизнинг тақдирланмас, гўзал хулқ-одоби, урф-одатлари, меҳмондўстлиги, миллий қадриятлари азал-азалдан дунё халқларининг диққат-эътиборини тортди келган. Шундай экан, биз бу бебаҳо бойлиқни асраб-авайламоғимиз, бойитмоғимиз ва келгуси авлодга етказмоғимиз керак.

Насиба МИРЗАЕВА.

"Адолат" меҳмони

Самимий кулги, беғараз ҳазил, кайфиятни кўтардиган мутўйба инсон саломатлигига фойда, фаолиятига қанот бўлиши азалдан маълум. Бинобарин, ҳар қандай мушкул, танг вазиятда кишига ҳазил-мутўйба кўл келади. "Қизиқчиликни ўрни билан, пайтида ишлатиш лозим. Бунинг учун санъаткорлик иқтидори зарур", — дейди "Қизиқчи — 91" республика кўрик-танлови ғолиби, таниқли актёр Худойберди Зиёдов. Санъаткор билан суҳбатимиз айтиш шунинг сир-асрорлари, масъулияти ҳақида.



Худойберди ЗИЁДОВ:

«САҲНА — ҲАЁТ КЎЗГУСИ»

— Донишмандлардан бири қувноқ ва ҳазилкаш инсонларни табиатнинг энг бебаҳо эҳсоси, дея таъкидлаган экан. Қизиқчилар табиатдан топқир, ҳозиржавоб бўлишади. Сизда ана шу жараён қандай кечади?

— Албатта, ҳамма ҳазилни бир хил тушунмайди, аммо одамларнинг кайфиятини кўтариш, руҳиятига энгиллик бағишлаш санъаткорлардан масъулият ҳам талаб этади. Қизиқ устида қош қўяман, деб кўз чиқариб қўйиш ҳам мумкин. Аслида биз қизиқчилик орқали турмушда учраб турадиган айрим нуқсонларни тўзатишга, айтиш пайтда, кишиларга руҳий бардошлик улаштишга уринамиз.

Азалдан биз мутўйбага ўч, кулгиларимиз халқимиз. Чунки, жамият тараққиётига ҳалал бераётган камчиликларни энгил кулги билан танқид қилаётганимиз, бу ҳаракатларимиз ҳеч кимга малол келмайди. Зеро, табиатан қувноқ инсон, умр завоқини яхши ҳис қила олади. Бунинг асоси ўзи кўрсатиб турибди.

Қизиқчиликда топқирлик хислати тез рўй берса, ҳозиржавоблик аскияда билинади. Бу икки жанр бир-бирига жуда яқин; шу билан бирга, муайян фарқли жохатлари ҳам бор. Масалан, қизиқчиликда махсус тайёргарлик қўрилади. Кулги уйғотувчи мавзу танланади, турмушдаги аниқ бир салбий ҳодиса нишонга олинади. Аскияда эса тамомила бошқача: унда кўтарилган мавзуга қараб, ҳозиржавоблик билан жавоб қилинади. Аммо ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳазил-мутўйба маълум тарбиявий мақсадга йўналтирилади.

— Ҳаётда қўлланмаган ҳодисалар ҳам бўлиб туради. Дейлик, ташвишлар гирдобиде ўзингизни қандай тутасиз?

— Олдидан нима бўли-

шини ҳеч ким билмайди. Куллимизда кайфиятни бузадиган ҳолатга дуч келиш мумкин. Бундай вазиятдан чиқиб кетишнинг энг афзал йўли энгил кулги, қизиқчиликдир. Агар ташвиш ёки муаммоларим қўпайиб кетса, ўз-ўзимга: "Бундан ҳам баттари бўлиши мумкин эди-ку!" дея тасалли бераман. Айтиш пайтда, иложи борича оғрикни кўнглига олмасликка, изтиробларимни юзага чиқармасликка ҳаракат қиламан. Ахир, касбим шунини тақозо этади.

— Қалби пок, кўнгли кенг одам мулоийм ва ёйилиб кула олади, дейишди. Ҳаётда қўлланмаган ҳодисалар ҳам учратган-мисиз?

— Ташвишларни енга оладиган одамларни самимий кула олади. Нуқсон ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқара оладиганлар эса ёйилиб кула олади. Олимлар кишиларни касб-корларига муносабатларидан келиб чиқиб қўйидаги тоифаларга ажратибди. Ҳаётда қўлланмаган ҳодисалар ҳам учратган-мисиз? — Ташвишларни енга оладиган одамларни самимий кула олади. Нуқсон ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқара оладиганлар эса ёйилиб кула олади. Олимлар кишиларни касб-корларига муносабатларидан келиб чиқиб қўйидаги тоифаларга ажратибди. Ҳаётда қўлланмаган ҳодисалар ҳам учратган-мисиз?

— Ташвишларни енга оладиган одамларни самимий кула олади. Нуқсон ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқара оладиганлар эса ёйилиб кула олади. Олимлар кишиларни касб-корларига муносабатларидан келиб чиқиб қўйидаги тоифаларга ажратибди. Ҳаётда қўлланмаган ҳодисалар ҳам учратган-мисиз?

Бир кўли кўксиз узра юз хил тақаллур айлабон, Бир кўли иғво тошин тутган балодан қўрқаман... Шероини ўқиб, ўша одамга қарата: ҳечам қўлмайди-ганлардан қўрқаман, дедим. Биласизми, шу гапни айтиш билан у бейхитёр кулиб юборди...

— Айрим қизиқчилар қўлларидан деб, одоб-андошга тўғри келмайдиган ибораларни ҳам айтиб юборишади, бачкана қилиқлар қилишади. Оқибатда беғараз кулги ўрнида керакисиз майна-вузчиликка гувоҳ бўласиз. Бундай ҳолатларга муносабатингиз қандай?

— Саҳна — қўлғу жой, тарбия воситаси. Омма кўз ўнгига бачкана қилиқларни намойиш қилиш, бемаъни сўзларни ишлатиш эса санъатга ҳиёнат. Хатти-ҳаракатларда меъёрни билиш зарур. Масалан, аскияга ҳар жойда муносабат ҳар хил. Шунинг учун қизиқчи айтидиган ҳар бир сўз, ҳар бир имо-ишора мантқиққа асосланган шарт.

— Айтинг-чи, қизиқчиликка иштирок қилишнинг мисли? Муҳандис ёки шофокор бўлишингиз мумкин эди-ку, тўғрими?

— Болалигимдан хонанда бўлишни орзу қилганман. Туйғуларимни оҳанга солиб, қўшқил айтиш жону дилим. Хиргойи қилиш менга отадан мерос. Падаримиз феъл-келгуси билан даҳилкаш одам эди. Бировнинг дилини оғритганларини ҳечам қўрмаганман. Шундан бизда ҳам ҳазилга мойиллик кучли бўлса керак.

— Мухлисларингизга қандай тилиқларнинг бор?

— Ҳушқалқ одамнинг бугунги ҳам, эртаси ҳам қувноқ ўтади, дейишади. Олдинда қандай қийинчилик турмасин, барбир, нозик қўнғилни хушнуд этишга ҳаракат қилиб, бир-бирини авайлаб асрайлик.

Суҳбатдош: МУРОДУЛЛА ҒАҒУЛОВ.

Ибратли ҳикоят

БАРИБИР ГАПИРИШДИ

Қадимда Чағоний давлатида жуда кўп сахий бойлар яшаб ўтган, муруватпешалиқда бир-бирларидан орда қолмаслик учун доимо баҳслашар эканлар. Чунки уларнинг жамиятда тутган ўрни эл-улусга қилган хайру эҳсон билан белгиланаркан.

Шундайлардан бири — Яхшибой тезда элга танилишни истаб қолди. Шу мақсадда теварак-атрофдаги барча кишлоқ оқсоқолларини уйга тақлиф этиб, уларга дебди:

— Эй, эл назарига тушган олижаноб зотлар! Сизни хонадонимга тақлиф этмоқдан мурод шулки, кенжаотай ўғлимиз — Ерқулбойни бешикка солиш маросимини ўтказмоқ ҳаракатидаман. Тадбир — биздан, тўй — сиздан! Маълумингизми, нариги кишлоқдаги Ражаббой тўй ўтказиб, эл оқлишига сазовор бўлган эрди, мен ундан кам бўлмасам керак? Шунга не дейсиз?

— Балли, Яхшибой! Насиб бўлса, ҳолис ниятларига Тангрининг ўзи мададор! — дебди оқсоқоллардан бири қувончини яширолмай. — Зодагон, сайиду эшон, тўра-ю ҳожага алоҳида қимматбаҳо ҳадялар ҳозирламоқ керак. Ҳеч бир хизматдан қуруқ қолмаслиги лозим. Хатто фуқароларга ҳам ош берилса, маъқул иш бўларди... Ражаббой шундай қилганди!

— Тушунарли, — дебди мезон, — сарполардан хотиржам бўлинг. Ҳамма нарсаси етарли. Фақат тўй бошида бел боғлаб турсангиз — баас! Шоғла кетса — кетсин, оёру кетмасин! Ҳаракат менинг зиммамда, бу ёнга ҳеч иккиланмангиз! Махлис аҳлининг қўнғиллари чоғ бўлди. Улар тайин этган кун тўй дабдаба билан бошланди. Тўнага келтирилган совринлар қўлгидан боғининг уйига сийма қолди. Баэм ово-заси етти қилимга етгудек серфайз кечди. Бойлар маъкеига қараб, сарполлик бўлишди. Барча фуқароларга ош тортилдди. Хуллас, тўйдан ҳеч ким норизо бўлмади. Тўй сўнггида Яхшибой оқсоқоллар бошлиғини хузурига чақириб:

— Энди охириги топиригимни бажаринг! — дебди та-бассум ила хизматдан қониқиб ҳосил қилиб. — Ҳар бир фуқаро учун биттадан қўй ҳадя этинг! Қўралар сизнинг иктирингизда!

Дарҳақиқат, бундай хотамтойлик бошқа бойларнинг қўлидан келмас эди!

Эл-улус тўйхондан биттадан қўй етказиб кетаётганида: — Бунча хаос бўлмаса бу бой? Қўй беришга берди-ю, битта ўқинганига аркон беришга қурби етмади-я! — дебди. Бу сўзни эшитган Яхшибой:

— Хмм... Барбир гапиришди-я! — дебди гудраниб ўзига ўзи.

Мурод ДИЛ.

ШИРИН ЯХ ВА МУЗҚАЙМОҚ

Шимолий Америкада яшовчи хиндулар қадим замонлардан бери заранг дарахтидан шаклар олиб келишган. Улар шакларни музлатиб, ширин таомлар тайёрлашни ҳам билишган.

Хиндулар аввал томчилардан йилгилан ширин шербатни сопол идишларга қўйиб чиқилган, сўнг хушбулган очик далада қолдиришган. Шербат муздек шамолда яхлаб қолаверган.

Европаликлар бу маҳаллий маҳсулотни ширин ях, деб аташган. У ҳозирги музқаймоққа ўхшаш бўлган.

«ҚОРАМОЙ» ЁХУД «ЕР МОЙИ»

"Нефть" арабча сўз бўлиб, "қорамой" ёки "сил" юрвич суюқлик" деган маънони билдиради. Унинг қачон пайдо бўлгани ҳозирча аниқланмаган.

Археологик маълумотларга кўра, инсоният нефтдан 7 минг йилдан бери фойдаланиб келади. Дастлаб Мессопотамияда, Фрот дарёси қирғоқларидан нефтдан асфальт тайёрланган. Мисрда эса нефть мурдаларни мўмийлашда ҳам ишлатилган.

Маълумотларга қараганда, Фаргона водийсидаги нефть бур даярига мансуб. Маҳаллий аҳоли тилида "қора мой", "ер мойи", "тоғ мойи" деб аталадиган нефтдан бу ерда қадим замонлардан бери фойдаланиб келинган.

Ахбар АЛИЕВ тайёрлади.

Масаллар

ЭЗОП ШАМОЛ БИЛАН ҚУЁШ

Шимол шамол билан қуёш ким кучли, деган масалада тортишиб қолшибди. Улар: ким биринчи бўлиб йўлда кетаётган одамнинг кийимини ечишга мажбур қилолса, ўшани ғолиб, деб тан олинишига келишибди. Биринчи бўлиб шимол шамол ўз кучини кўрсатибди. У бор кучи билан шовуллабди, аммо шамол қанчалик қўнғилан сайин йўловчи кийимига шунчалик маҳкам ўраниб олармиз.

Шамол охири тақдирга тан бериб, қўйшга: қўлингдан нима келади, кўрсат, дебди. Қуёш ўзининг бор иссиғини ёғдирган экан, йўловчи тезда устки кийимларини еча бошлади. Охири иссиқдан ҳолдан тойдан йўловчи ҳамма кийимларини ечиб, кичкина бир дарёда чўпила бошлади.

Қиссадан ҳисса: ишонтирини мажбурлашдан кўра афзалроқдир.

ЭҲТИЁЖ

Ташналиқдан силласи қуриётган қарғанинг кўзи кўзага тушибди. Бахтга қарши кўзачанинг ичидида сув қарға ича олмайдиган даражада кам экан. Сувга ташна қарға кўзачанинг тубидаги сувни ичиш учун ҳамма амални қилиб кўрибди, бироқ саёй-ҳаракати зое кетибди. Ниҳоят, у тушмишга билан тошчаларни йиғиб, уларни битта-битталаб кўзачага ташлаб бошлади. Тошчалар кўзачанинг тубига йиғилиб, сув тепага қўтарилибди. Шундай чора-тадбир туфайли қарға ташналигини қондирди.

Қиссадан ҳисса: эҳтиёж кашфиётнинг доясидир.

ОЛТИН ТУХУМ

Эр ва хотиннинг бир ғаройиб ғози бор экан. Бу ажойиб ғоз ҳар кун олтин тухум қўркан.

— Ўйлаб кўринг, — дебди бир кун хотин, — агар биз ғозни сўйиб, ичидидаги тухумларни ололсак, тез бойиб кетардик.

— Сен ҳақсан, — дебди эр, — биз ҳар кун ғознинг тухум қўйишини кутиб ўтиролаймиз-ку.

Шундай қилиб, улар ғозни сўйиб, ичини ёришибди. Қарашса, ғознинг ичиди бир донга ҳам олтин тухум йўқ эмиш. Ховлиқдан эр-хотин ҳар кун оладиган олтин тухумлардан ҳам қуруқ қолишибди.

Қиссадан ҳисса: ортиқча очкузлик охир-оқибатда маҳрумликка олиб келади.

Феруза ТУХЛИЕВА таржимаси.

Бош муҳаррир Холтўра ШАҒОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турсунгул ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Маматхон ХУЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиш АЛИЕВ,
Камол АЛЛАЕВОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талъат МУРОДОВ.

Газета таҳририят компютер марказида саҳифаланиш

«Адолат»дан кўприб босиш фақат таҳририят руҳини билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолида белгилан.

Нашр индекси — 100

Набатчи муҳаррир — Бехбуд БОТИРОВ
Набатчи — Уктам ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи — Собиржон ТУНҒАТОВ

ADOLAT

ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz